

Президент
Шавкат Мирзиёев
18 декабрь куни расмий
ташриф билан Токио
шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбари
Японияда меҳнат
қилаётган ва
таҳсил олаётган
ватандошларимиз
билан учрашиб, улар
билан суҳбатлашди.
Уларга муваффақият
тилаб, кунчиқар
юртда орттирган
билим ва тажрибалари
мамлакатимиз
тараққиёти
ҳамда халқимиз
фаровонлигига хизмат
қилишига ишонч
билдирди.

Ўзбекистон
Президенти
19-20 декабрь кунлари
Япония Императори
Нарухито, Бош вазири
Санаэ Такаичи ва бошқа
расмийлар, ишбилармон
доиралар ҳамда
академик ҳамжамият
вакиллари билан
учрашувлар ўтказди.

Шунингдек, Ўзбекистон
етакчиси “Марказий
Осиё + Япония”
мулоқотининг биринчи
саммитида иштирок
этади.



№97 (950)
2025 йил 19 декабрь,
жума

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor


uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг
сешанба ва жума кунлари чиқади.

Соғлом фарзандлар дунёга келиши кафолатланади



Республика
ихтисослаштирилган она ва
бола саломатлиги илмий-
амалий тиббиёт маркази
Самарқанд вилоят филиалининг
янги биноси фойдаланишга
топширилди.

4 қаватли замонавий янги бинонинг қу-
рилиши учун Инвестиция дастури асосида
12 миллиард 428 миллион сўм маблағ ажра-
тилди.

Янги бинонинг очилиш маросимида
Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва вилоят
соғлиқни сақлаш бошқармаси масъуллари,
оналик ва болаликни муҳофаза қилишда
филиал билан ҳамкорлик қилаётган Тур-
кия Республикасидаги етакчи клиникалар
вакиллари ҳамда ушбу давлатнинг Са-
марқанддаги Бош консули иштирок этиб,
муассасада яратилган шарт-шароит билан
танишдилар.

Ў.А.

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси ташаббуси
билан Тошкент шаҳрида
тадбиркорлар билан
навбатдаги очиқ мулоқот
бўлиб ўтди. Ушбу тадбир
тадбиркорлик фаолиятини
қўллаб-қувватлаш, қурилиш
ва ўй-жой коммунал
хўжалиги соҳасидаги
долзарб масалаларни очиқ
муҳокама қилиш ҳамда
амалий ечимлар ишлаб
чиқишга қаратилган.

Мулоқотда Қурилиш ва ўй-жой ком-
мунал хўжалиги вазирлиги, Энергети-
ка вазирлиги, Урбанизация ва ўй-жой
бозорини барқарор ривожлантириш
миллий қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Ку-
рилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги
соҳасида назорат қилиш инспекцияси,
“Ўзэнергоинспекция” ҳамда бошқа те-
гишли идоралар раҳбарлари ва масъул
вакиллари иштирок этди.



Очиқ мулоқотда қурилиш ва ўй-жой
коммунал хўжалиги вазири Шерзод Хи-
доятов қурилиш соҳасида энг устувор
масала инсонлар хавфсизлигини таъ-
минлаш эканини алоҳида таъкидлади.
Унинг қайд этишича, ҳар қандай қури-
лиш лойиҳасида хавфсизлик талаблари
биринчи навбатда ҳисобга олинishi
шарт. Шу нуктаи назардан, амалдаги
шаҳарсозлик норма ва қоидалари ёнгин

хавфсизлиги, сейсмик барқарорлик
ҳамда аҳолининг ҳаёти ҳамда соғлиғи-
ни муҳофаза қилишга қаратилган ҳолда
ишлаб чиқилгани таъкидланди. Ушбу
талаблар қурилиш жараёنларида эҳти-
молий хавфларнинг олдини олиш ва
барқарор шаҳар муҳитини шаклланти-
ришга хизмат қилади.

Вазир тадбиркорларга мурожаат қи-
либ, қурилиш ишларини амалга оши-

ришда белгиланган шаҳарсозлик нор-
маларига қатъий риоя этиш, лойиҳалаш
ва қурилиш босқичларида хавфсизлик
талабларини сўзсиз таъминлаш зарур-
лигини қайд этди. Таъкидланишича,
мазкур ёндашув нафақат қонун талабла-
рига мувофиқликни, балки аҳоли учун
хавфсиз ва барқарор яшаш муҳитини
яратишни ҳам таъминлайди.

► 2-бет

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

“O'ZBEKISTON BUNYODKORI” газетасига

2026 ЙИЛ УЧУН

обуна давом этмоқда!

Келгуси йили ҳам газета саҳифаларида қурилиш
ва ўй-жой коммунал хўжалиги, йўл қурилиши,
транспорт, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш
соҳалари, илғор ва тажрибали қурувчи ҳамда
меъморлар, жаҳон архитектураси тўғрисидаги
мақолалар, ҳолис ва тезкор ахборотлар, қизиқарли
хабарларни ўқишингиз мумкин.

ШОШИЛИНГ!

Фаолиятингиз ривожига ҳисса қўшишда муҳим
манба ҳисобланган “O'zbekiston bunyodkori”
газетасига обуна бўлинг!

НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Хоразм вилоятидаги ичимлик ва оқова сув тизимида олиб
борилаётган давлат назорати, иншоотларнинг бүгүнгү ҳолати
ҳамда тизим ходимларининг фаолияти билан танишиш мақсадида
Вазирлар Маҳкамаси ҳузүридаги Қурилиш ва ўй-жой коммунал
хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи
ўринбосари Нодиржон Мақсүмов бошчилигидаги ишчи гүрүх
томонидан ўрганиш ишлари амалга оширилди.

Дастлаб, ишчи гу-
руҳ Гурлан туманидаги
“Хоразм сув таъминоти”
АЖнинг Гурлан тумани
филиалига қарашли “Сах-
тиён” марказий сув тақ-
симлаш иншооти ҳолати
билан танишди. Мазкур
иншоотнинг схемаси ва
паспорт ҳужжатлари-
ни тайёрлаш, иншоотда
ичимлик суви сифати та-
лабларига жавоб бериши-
ни доимий назорат қилиш
мақсадида махсус лабора-
тория ташкил қилиш, реагентларни
сақлаш учун махсус хона ва зарур реа-
гент захирасини яратиш ҳамда иншо-
от ҳудудини ободонлаштириш билан
боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйи-
ча масъулларга топшириқлар берилди.



Ишчи гуруҳнинг навбатдаги манзили
тумандаги Дўсимбий маҳалласи бўлди.
“Маҳалла еттилиги” вакиллари билан
суҳбатлашилди. Аҳолига ичимлик суви
етказиб бериш билан боғлиқ масала-
лар муҳокама қилинди.

Термиз шаҳрида жойлашган бир қатор қурилиш объектларида
Сўрхондарё вилояти Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги
соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан синов
лабораториялари ходимлари иштирокида назорат тадбирлари
амалга оширилди.

Назорат жараёнида
қурилиш-монтаж ишла-
рида фойдаланилаётган
бетон ва бошқа қурилиш
материалларининг техник
талаблар ва стандартларга
мувофиқлиги, шунингдек,
ишларнинг лойиҳа-смета
ҳужжатларига асосан олиб
борилаётгани ўрганилди.
Синов лабораторияси му-
тахассислари томонидан
намуналар олиниб, лабо-
ратория синовлари таш-
кил этилди. Аниқланган
камчиликлар юзасидан
масъулларга белгиланган
тартибда кўрсатмалар бе-
рилиб, қурилиш жараё-
нида сифат ва хавфсизлик
талабларига қатъий риоя
этиш бўйича тушунтириш
ишлари олиб борилди.



► 2-бет



ФУРСАТНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!

Мурожаат учун телефон рақамлар:

71-241-01-29,
71-208-12-00.

◀ 1-бет

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Жиззах вилояти ишчи штабида Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлғи Бобур Маматов раҳбарлигида ййғилиш бўлиб ўтди.



Ййғилишда иқтисодиёт тармоқла-ри, ижтимоий ва энергетика соҳаси объектлари ҳамда кўп квартирали ўй-жой фондини 2025/2026 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга

тайёрлаш, аҳолидан келиб тушаётган экологик талаблар бўйича долзарб муам-моларни ҳал этиш ишларини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

◀ 1-бет

НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

Самарқанд вилояти Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан навбатдаги назорат тадбирлари Тойлоқ тумани Боғичинор маҳалласи ҳудудида барпо этилаётган 9 қаватли турар жой биносиди ўтказилди.

Ўрганиш давомиди объектда юри-тилиши шарт бўлган ижро журналла-ри ўз вақтида мониторинг қилинмаг-ни, шунингдек, техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этилмаётган-ни аниқланди.

Шу билан бирга, объект ҳудуди-да йўллар ва автотураргоҳлар барпо этиладиган айрим жойларда замин ишлари етарли даражада мустаҳкам-ланмасдан бетон қуйиш ишлари бош-



ланаётганлиги, қурилиш жараёнида экологик талаблар ижроси етарли даражада таъминланмаётганлиги кузатилди. Аниқланган камчилик-ларни бартараф этиш мақсадида ма-съл ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилди.


Саноатни бирлаштирган майдон

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Пойтахтимиздаги “O‘zbekspomarkaz” миллий кўргазмалар мажмуасида бўлиб ўтаётган Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси бугун нафақат саноат маҳсулотлари намойиши, балки мамлакат иқтисодий тараққиётининг стратегик йўналишларини белгилловчи муҳим майдонга айланиб улгурди. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Рақамли трансформация маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир саноат кооперациясини чуқурлаштириш, импортга қарамликни қисқартириш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда ярмарканинг аха-мияти янада ортиб, у саноат тармоқла-рини интеграциялаш, ишлаб чиқарув-чилар, буюртмачилар ва инвесторлар ўртасида барқарор алоқалар ўрнатиш-нинг самарали механизмига айланди. Кўргазмада “Навий кон-металлургия комбинати” АЖ ҳам ўз маҳсулотла-ри билан фаол иштирок этди. Бу эса, ўз навбатида хомашёни чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бўл-ган эътиборнинг амалий ифодасидир.

– Бугунги Республика тармоқлар-аро саноат ярмаркасида иштирок этиш орқали фаолиятимизни янада такомил-лаштиришни мақсад қилганимиз, – деди “Навий кон-металлургия комбинати” АЖ комбинати мухандиси Шарифжон Файзиев. – Хусусан, комбинат томо-нидан намойиш этилаётган асосий маҳсулотлар кон техникалари, экс-каватор, бурғилаш ускуналари ҳамда бошқа турдаги оғир техникалар учун мўлжалланган эҳтиёт қисмларидир. Комбинатнинг асосий мақсади, маз-кур эҳтиёт қисмларни четдан импорт қилишдан босқичма-босқич воз ке-



чиб, уларни маҳаллий тадбиркорлар-дан харид қилишдан иборат. Шу боис, ярмарка доирасида “Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ушбу эҳтиёт қисмларини зарур техник ва сифат талаблари асо-сида ишлаб чиқара оладими?”, деган масала атрофлича муҳокамага қўйил-ди. Ярмарка жараёнида ўтказилган уч-рашувлар ва ўрганишлар натижасида бир қатор маҳаллий тадбиркорларнинг бу йўналишда етарли салоҳиятга эга эканлигини кўрдик. Натижада, хозирга қадар улар билан 100 миллиард сўмдан орტიқ миқдорда шартнома имзолан-ди. Ярмарка якунига қадар эса ушбу кўрсаткични 300 миллиард сўмдан ошириш режалаштирилмоқда. Мазкур келишувлардан кўзланган асосий, мақ-сад зарур эҳтиёт қисмларни хориждан эмас, балки маҳаллий ишлаб чиқарув-чилардан харид қилиш орқали ажра-

тилган маблағларни мамлакат ичида айлантириш, шу орқали ички бозорни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу эса, шубҳасиз, ҳар икки томон учун ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдали ва барқа-рор ҳамкорликни таъминловчи муҳим битим бўлиб хизмат қилади.

Жорий ярмарканинг ўзига хос жиҳати – маҳаллийлаштиришга тизим-ли ёндашувдир. Ишбилармонлик дас-тури доирасида импорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби чуқур таҳлил қи-линиб, устувор товар гуруҳларни шакл-лантирилмоқда. Бу эса, республика ҳу-дудида мавжуд имкониятлар асосида импорт ўрнини босувчи ёки ундан ҳам рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича тайёр инвестиция тақлифларини ишлаб чиқишга замин яратмоқда. Аниққса, хомашёни чуқур

қайта ишлашга йўналтирилган лойиҳа-ларга устуворлик берилаётгани саноат сиёсатининг узоқ мuddатли стратегия-сидан далолатдир. Эътиборлиси, бу йилги ярмаркада намойиш этилаётган маҳсулотлар асосан, экологик талаб-ларга жавоб берадиган хомашёларга асосланган. Бу жиҳат саноат ривожини экологик барқарорлик билан уйғун-лаштириш, “яшил иқтисодиёт” тамо-йилларини ишлаб чиқариш жараён-ларига босқичма-босқич жорий этиш йўлида муҳим қадамдир.

– Жорий йилда тоғ-кон саноати-га қарийб 1 миллиард доллардан ортиқ маҳсулот импорт қилинди, – деди Тоғ-кон саноати ва геология вазири ўрин-босари Ўрол Юсупов. – Шунинг учун биз бу кўргазмада маҳаллийлаштирилади-ган товарлар ҳажмини ошириш ҳамда импорт ҳажмини қисқартириш бўйича аниқ тақлифлар билан қатнашдик. Ке-йинги йил импорт ҳажмини қисқарти-риб, республика ҳудудида ишлаб чиқа-риш эвазига бу кўрсаткични 25 фоизга камайтирмоқчимиз. Бу бўйича аниқ ре-жалар ва маҳсулот турлари мавжуд ҳамда маҳаллий тадбиркорлар билан ке-лишувлар амалга оширилмоқда. Олди-мизга қўйган мақсадимиз эса – хомашё эмас, балки қўшилган қийматли махсу-лотлар экспортини амалга оширишдир.

Маълумотга қўра, ярмаркада иқ-тисодиётнинг турли тармоқларига оид 100 дан ортиқ иштирокчи лойи-ҳа тақлифлари намойиш этилмоқда. Машинасозлик, кимё ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ҳамда реал секторнинг бошқа йўналишларида импорт ўрнини босув-чи маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун салмоқли салоҳият мавжуд. Тадбирда қарийб 5 мингга яқин тармоқ ва ҳуду-дий корхона иштирок этаётгани, 780 компания томонидан 6 минг 200 дан ортиқ маҳсулот турлари намойиш қи-линаётгани унинг қўлами ва иқтисо-дий таъсир доирасини яққол кўрсатади. Шунингдек, 70 дан зиёд халқаро бренд ва компанияларнинг иштироки қўшма лойиҳаларни муҳокама қилиш, илғор хорижий технологияларни жалб этиш ҳамда саноатда инновацион ечимларни жорий этиш учун қўлай шароит ярат-моқда. Бу эса, миллий саноатнинг гло-бал ишлаб чиқариш занжирларига ин-теграциялашувини тезлаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, Республика тармоқлараро саноат ярмаркаси бутун оддий кўргазма эмас, балки саноат рив-ожининг келажак секторини белгилаб берувчи, иқтисодий мустақиллик ва технологик барқарорлик сари йўнал-тирилган муҳим стратегик платформа вазифасини бажармоқда.

Ҳар бир ходим ўз вазифасини сидқидилдан бажарса, ҳеч қандай коррупцион ҳолатларга ўрин қолмайди

Бобур МАМАТҚУЛОВ, Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Коррупцияга қарши курашиш бўйича комплеанс назорати бош мутахассиси.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ва ишлар самарадорлигини ошириш бўйича юртбошимизнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилиниб, устувор вазиқалар белгилаб берилган. Ушбу ҳужжатлар асосида ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг 2025 йил 5 мартдаги ййғилишида давлатимиз раҳбари коррупция – ислохотлар ййлидаги энг катта тўсик ва ғов, эканлигини таъкидлади.

Жиззах вилоятида 2025 йил 17 июль куни Бош прокурорнинг биринчи ўрин-босари Б. Валиев ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А. Бурханов иштирокида коррупция-нинг олдини олиш, маиший коррупция-га барҳам бериш ва унга қарши курашиш бўйича “Йўл харитаси” ижроси юзасидан ййғилиш ўтказилиб, ҳудудларда унга нисбатан мурасосиз муҳит яратиш мақ-садида барча соҳа ва тармоқ раҳбарла-рига тушунтириш берилган.

Бутунги кунда қурилиш ва шаҳар-созлик соҳасидаги амалий ишларга тўхталадиган бўлсак, бош бошқармада коррупцияга қарши курашиш, ҳуқуқбу-зарликларнинг олдини олиш учун жамо-атчилик билан алоқада бўлиш мақсадида хабар беришга мўлжалланган барча зарур алоқа каналлари ишга туширилган. Хусу-сан, расмий веб-сайтдаги алоқа канали <http://mc.uz/>, телеграмма канал <https://t.me/jizzaxvilujkkkb>, qizqunilish.antikor@uz, элек-трон почта манзили komplayensjizzax@uz, ишонч телефони 72-222-28-58, 72-222-42-71 Коррупцияга қарши кура-шиш бўлимига жойлаштирилган. Бош-қарма биносининг кириш қисмида ахо-лига қўлай бўлган жойда “Коррупция ҳақида ёзма яширин мурожаат қилишла-ри учун” қўти, плакат ва махсус дастурий таъминот инфокиоск ўрнатилди. Кор-рупцидан бурчак ва коррупция ҳолатлари оқибати юзасидан видео роликлар мони-тори ўрнатилди.

Ишга қабул қилишда шаффофликни таъминлаш учун вакант иш ўринлари-ни этилон қилиб бориш, ходимларнинг тажрибаси ва малакаси АРГОС орқали синовдан ўтказилиши йўлга қўйилган. Хусусан, 2025 йилнинг 10 ойи давомидида бош бошқарма, туман ва шаҳар бўлим-ларига <https://vacancy.argo.uz> орқали жами 7 нафар ходим тест ҳамда суҳбат босқичларидан ўтиб, ишга қабул қилин-ди. “Коррупцияга қарши курашиш вир-туал академияси”да умумий ва махсус ўқитиш бўйича 33 нафар ходим ўқиб, сертификат олди. Қолган 35 нафарининг ҳужжатлари расмийлаштирилган бўлиб, улар ҳам жадвал асосида ўқитиладди.

Бош бошқарма ва унинг туман, шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси Бахтиёр Мамасобиоров “Hulkar dalasi” фермер хўжалигининг таъсисчиси ва раҳбари бўлиб фаолият кўрсатиб келаётгани аниқланиб, но-тариусдан МЧЖни Б. Мамасобиоровни ўзини розилиги билан бошқа фуқаро номига ўтказилди.

Соҳада амалга оширилаётган ис-лохотлар бўйича ҳудудларда 18 та тарғи-бот-ташвиқот тадбири ташкил этилди. 12 маротаба “Манфаатлар тўқнашуви ва



коррупцияга қарши кураш” ва 6 марота-ба ҳуқуқий мавзуда ўтказилган тадбир-лар шулар жумласидандир. Шунингдек, сайёр қабулларда жами 85 нафар фуқаро қатнашган бўлиб, улардан 25 нафари му-рожаат қилган. 24 та мурожаат ижобий ечим топиб, биттасига ҳуқуқий тушунча берилган.

Булардан ташқари, бутунги кунда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат-лар қўрсатиш ишлари ҳам тўлиқ рақам-лаштирилган. Хусусан, шаҳарсозлик соҳасида 7 та давлат хизматлари кўрс-атилиши йўлга қўйилган бўлиб, улар ҳам тўлиқ рақамлаштирилган ва инсон омилсиз ишлайди. Шу билан бирга, 2025 йилнинг 9 ойда жами 747 та ариза келиб тушган бўлиб, 529 тасига ижобий хулоса берилган, 1 таси рад этилган, 4 таси тутатилган, 213 таси тегишли та-лабларга мувофиқ бўлмаганлиги учун қайта мурожаат этиш учун рад этилган.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахбо-рот тизими орқали келиб тушган му-рожаатлар ижросини таъминлашда конунчиликка риоя этилиши мақсади-

да “Шаффоф қурилиш” платформасида Коррупцияга қарши курашиш бўйича бош мутахассисга “Кузатувчи” ячейкаси очиб берилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги “Қурилиш соҳасига оид ағона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сонли қарори 2-ило-васига асосан, нотурар жой тоифа-сидан, турар жой тоифасига ўтказишда конунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Жумладан, Пахтакор тумани “Ғалаба” МФЙ Беруний кўчаси 24-уй манзилида жойлашган, фуқаро Жамолиддин Аб-думаликовга тегишли бўлган нотурар жой тоифасидан турар жой тоифасига ўтказиш бўйича (2025 йил 6 октябрда-ги 220832016-сонли ариза) Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелда-ги 200-сон қарори 4-илловасига асосан, лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Пахтакор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими томонидан 220832016-сонли яқка тар-тибдаги уй-жой сифатида ижобий хуло-са берилган.

Шунингдек, Жамолиддин Аб-думаликовга тегишли бўлган 13:10:41:01:02:0600 кадастр рақамли но-турар биноси ҳужжатида асосан, уму-мий 238,0 квадрат метр ер майдонида жойлашган қурилиш ости майдони 71,98 квадрат метр объектини нотурар жой тоифасидан турар жой тоифасига ўтказиш учун 2025 йил 9 октябрдаги 220832016-сонли рухсатномаси ўрга-нилганида, ушбу нотурар жой бинога, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон қарори 2-илова-си, 2-боб, 10-6 банди, 2-хатбоши (бино яроксиз (авария) ҳолатдалиги), 7-хатбо-ши (зарур санитария-гигиеник узеллар яратиш учун хоналарни мослаштириш имкониятининг мавжудлиги), 8-хат-боши (марказлаштирилган канализа-ция мавжуд бўлмаган ҳолларда хонага бириктирилмаган ер участкасининг майдонини турар жой хонасидан, шунинг-дек, бириктириладиган ер участкасига туташ бўлган бошқа мулкдорларга те-гишли турар жойлардан оқова сув ва ҳожатхона учун мўлжалланган ўралар-дан санитария нормаларига мувофиқ масофада жойлашганлиги) талабларига нид равишда бўлим бошлиғи Баҳодир Нейматов томонидан рухсатнома бериб юборилган. Шу билан бирга, Пахтакор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Б. Нематовга нисбатан хизмат текишуви ўтказилиб, чора қўриш учун тегишли органларга юборилган.

Бундан ташқари, 2025 йилдан уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатишда ҳам 2 та давлат хизматлари рақам-лаштирилди. Бу тизим орқали жорий йилнинг 9 ойда 88 та ариза келиб тушган бўлиб, 18 тасига ижобий хулоса берилган, 70 таси қайта мурожаат этиш учун рад этилган, 13 тасининг мuddати ўтган. Камчиликларга йўл қўйган масъ-ул ходим А. Убайдуллаевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 215-5-прим-моддаси 1-қисми билан жа-рима жазоси қўлланилган. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти учун ер участ-

калари ажратиш ва қурилишда пудрат ташкилотларини аниқлаш, объектни фойдаланишга топшириш жараёнида ҳам тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда “шаффоф механизм”лар орқали амалга оширилмоқда.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими доирасида “Қурилишда сифат назорати” ва “Лойиҳа-смета ҳужжатла-ри экспертизаси” каби ахборот тизимла-ри фаолияти йўлга қўйилди. Қолаверса, “Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертиза хулосалари” электрон реестри, “Инвести-ция дастуридаги объектлар қурилиши мониторинги” ахборот-таҳлилий тизи-ми, “Қурилиш соҳасида давлат хизмат-лари” платформаси ахборот тизимлари ишлаб чиқилди. Мазкур платформалар орқали қурилишнинг айрим турларини лицензиялаш бўйича хизмат турлари тўлиқ рақамлаштирилди. “Шаффоф қу-рилиш” миллий ахборот тизими доира-сида ишлаб чиқилган ахборот тизимла-ри бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари бил-лан интеграция қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг 2025 йил 14 апрелдаги “Қурилиш ва уй-жой ко-ммунал хўжалиги соҳасида давлат на-зоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-66-сон Фармони ижросини таъминлаш бўйича бутунги кунда Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжа-лиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси рўйхатидан ўтган 2025 йилда давлат маблағлари ҳисобидан қу-рилаётган объектларда шаффофликни таъминлаш учун видеокузатув камера мосламалари “Қурилиш объектларини онлайн назорат қилиш маркази”га инте-грация қилиниб, 29 та объектга уланган. Қолган 30 та объектда камера ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Мухтасар айтганда, камчиликсиз иш бўлмайди, албатта. Аммо ҳар бир ходим ўз вазифасини сидқидилдан ва масъу-лият билан бажарса, ҳеч қандай корруп-цион ҳолатларга ўрин қолмайди.



Инсон танаси ва табиат орасидаги яширин мувозанат

Бобур ТУРСУНОВ, Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувини реализация қилиш ҳамда оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш хизматларидан фойдаланишни назорат қилиш шўъбаси бош мутахассиси.

Сув – бу ер юзидаги энг қадимий ҳикоячи. У инсоният уйғонмасидан олдин ҳам дарёлар бўйлаб қўшиқ куйлаган, тоғларнинг бағридан йўл топиб чиққан, денгизлар кучоғида бутун дунёни бирлаштириб турган. Инсон эса шу ҳикоячига секин-аста яқинлашиб, ниҳоят унинг энг мўътабар истеъмолчиси ва энг катта синовчиси бўлиб қолди. Бугун ичимлик сувининг сифати ҳақида гапирар эканмиз, бу масала нафақат тиббиёт столига, балки бутун сайёранинг юрагига тааллуқли эканини ҳис қиламиз.

Танадаги сокин лаборатория

Инсон танаси сувни шунчаки ичмайди – у билан суҳбатлашади. Ҳар бир томчи сув қон томирларига қўшилган захоти биологик жараёнлар уйғонади:

- хужайралар гигиенасини сақлаш,
- метаболизм реакцияларини тезлаштириш,
- тананинг иссиқлик алмашинувини меъёрга ушлаш,
- токсинларни ювиб чиқариш,
- мия фаолиятини барқарорлаштириш.

Сув сифати эса бу жараёнларнинг “тозалиги”ни белгилайди. Агар сувнинг кимёвий таркиби бузилган бўлса, у организм лабораториясига бегона моддалардек киради.

Мисол учун:

- Нитратлар қонда кислород ташувчи гемоглобин ишини издан чиқаради.
- Оғир металллар асаб тизимига суқунатда ҳужум қилади, хотирани сусайтиради, бунинг оқибатида инсон ўзини чарчок билан қурашаётган жангчидек ҳис қилади.
- Бактериялар эса ошқозон ва ичакларнинг осийишталигини бузиб, бутун танага хавотир сигналларини тарқатади.

Тоза сув эса аксинча – тананинг ички оламининг ялтиратиб ювади. Қон томирлари тоза дарё каби оқади, буйрақлар тошсиз, жигар енгил, тери эса ҳаёт нурларини қайтарувчи силлиқ ойна кабидир.

ТАБИЙЙ УЙҒУНЛИКНИНГ ЗАРБАСИ ВА ЗАВОЛИ

Нафақат инсон, табиатнинг ҳар бир тирик мавжудоти сув билан боғланган. Дарахтлар, ҳайвонлар барча мавжудотлар учун сув тириклик манбаидир. Сув – экотизимнинг юраги. Аммо бу юрак софлигини йўқотса, унинг зарбаси бутун табиатга ёйилади.

Сувнинг атроф-муҳитдаги сифати бузилганда:

- Дарёларда кислород камаяди, натижада балиқлар ўз суви осмонидан айрилади.
- Захарли оқимлар бутун экотизимга тарқалиб, ўсимликларнинг илдизига совуқ қўл теккизгандек таъсир қилади.
- Ер ости сувлари кимёвий моддалардан тўқланиб, қудуқ суви аста-секин шаффофликдан узоқлашади.

- Ўқуланиш жараёнлари тезлашади, чунки сувнинг табиий айланиши бузилади.

Бир дарёдаги ифлосланиш минглаб километр узоқликдаги ўрмоннинг келажagini ўзгартариши мумкин. Ер сув орқали ўз қувватини тарқатади, демак, сувнинг сифати бу сайёранинг саломатлигидир.

СУВНИ АСРАШ – КЕЛАЖАКНИ АСРАШ

Юқорида сувнинг фойдаси, унинг таркиби ҳамда ифлосланганда кечадиган ёмон ҳолатлар бўйича айтиб ўтдик. Сув сифатига салбий таъсир кўрсатадиган хавфларни олдини олиш, асраш, исроф қилмаслик учун тегишли ташкилотлар томонидан доимий назорат қилиб боришмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси масъул ходимлари томонидан ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва аҳолига сифатли етказиб бериш талабларига тўлақонли риоя этилиши, оқова сувларни чиқариб юбориш ва тозалаш хизматлари кўрсатилиши бўйича мунтазам назорат тадбирлари олиб боришмоқда.

Инспекция томонидан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишнинг назорат қилиш йўналишида жорий йилнинг 11 ойи давомида Санитария-эпидемиологик осийишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан ҳамкорликда истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви сифатини ўрганиш бўйича 1630 та таҳлил намунаси олинди. Шундан, 22 та ҳолатда ичимлик сувининг белгиланган миллий стандарт талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

Шунингдек, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланиш бўйича жами 334 та ноқонуний ҳолат аниқланди. Жумладан, 331 та ичимлик суви таъминоти

ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ноқонуний уланиш ҳамда 3 та ҳолатда ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ўзгартариш ёки назорат тамгалари (пломба)га шикаст етказиш ҳолатлари аниқланди. Натижада, қоидабузарлардан сув таъминоти ташкилотларига 2 182,3 миллион сўмлик қўшимча тўловлар ҳисобланган. Аниқланган ноқонуний ҳолатлар ва қоидабузилишлар юзасидан 461 та ҳуқуқбузарга нисбатан 1 380,0 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Ўтказилган ўрганишлар давомида ичимлик ва оқова сув тармоқларига ноқонуний уланишлар натижасида аниқланган 17 та 3 530,2 миллион сўмлик ҳолатлар бўйича материаллар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Бундан ташқари, 327 та бюджет ташкилоти ўрганилганда, 97 та ҳолатда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланиш қоидаларига амал қилинмаганлиги аниқланди, қоидабузарларга нисбатан 311,4 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Ер ости ичимлик суви қудуқларини эксплуатация қилишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши юзасидан 430 та ўрганиш давомида 66 та камчилик аниқланди. Шу билан бирга, “Ягона давлат назорати” ахборот тизими орқали тадбиркорлик субъектларида ўтказилган 53 та назорат тадбирларида 36 та камчилик аниқланиб, МЖТКнинг тегишли моддалари билан 36 та 136,1 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланиш соҳасида ижтимоий тармоқлар ҳамда МФЙларда 222 та тарғибот ишлари олиб боришган.

Бир сўз билан айтганда, тоза сув ичган авлод соғлом бўлади, тоза сув оқаётган табиат эса барқарор, гўзал ва узоқ умр кўради. Ҳар бир қудуқ, ҳар бир булок, ҳар бир дарё – келажак авлоднинг қўлига тутказилган масъулиятдир.

Сифатли ичимлик суви – САЛОМАТЛИК КАФОЛАТИ

Мирзохид ИСАҚОВ, Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан 2025 йилнинг январь-ноябрь ойлари давомида ичимлик суви таъминоти ҳамда оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида кенг қамровли назорат ишлари амалга оширилди. Мазкур ишлар Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 22 июлдаги “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 сентябрдаги 602-сон қарори асосида ташкил этилди.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Вилоят бўйича бюджет ташкилотларида ичимлик суви ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан жами 367 та ўрганиш олиб борилди. Бу режага нисбатан 96,7 фоизни ташкил этади.

Ўрганишлар натижасида 50 та ҳолатда камчиликлар аниқланиб, шундан 44 та ҳолат бўйича жами 230 миллион сўм миқдоридан маъмурий жарима қўлланилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўрганилган ҳар саккизта бюджет ташкилотининг камида биттасида қоидабузарлик ҳолати мавжуд. Айрим ҳудудларда, жумладан, Сўх туманида ўрганишлар етарлича олиб борилмагани кайд этилди. Ушбу камчиликлар 2026 йил учун иш режаларида инобатга олинади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

“Ягона давлат назорати” ахборот тизими орқали тадбиркорлик субъектларида амалга оширилган назорат тадбирлари давомида 28 та қоидабузарлик ҳолати аниқланди, улар бўйича 35 та маъмурий баённома расмийлаштирилди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга 85,1 миллион сўмлик ҳужжатлар тақдим этилди. Бу ҳолатлар ичимлик суви ва оқова сув хизматлари соҳасида қонун талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган.

СУВ СИФАТИ ВА САНИТАРИЯ МУҲОFAЗАСИ МУҲИМ МАСАЛА

Ичимлик суви сифатини назорат қилиш мақсадида йиллик режада белгиланган 1778 та намунадан 1718 таси олинди, бу 96 фоиз ижрони ташкил этди.

Ер ости ичимлик сув қудуқларини эксплуатация қилиш даврида санитария муҳофаза ҳудудларига риоя этилишини ўрганиш доирасида 406 та ҳолат кўриб чиқилиб, уларнинг аксариятида камчиликлар аниқланди ва тегишли кўрсатмалар берилди. Айни пайтда “Фарғона сув таъминоти” АЖ тасарруфида 3204 та ер ости сув қудуғи мавжуд.

ОҚОВА СУВ ТОЗАЛАШ ИНШООТЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНМОҚДА

Вилоятда мавжуд 13 та оқова сув тозалаш иншоотининг фаолияти ўрганилди. Шу билан бирга, айрим туманларда бундай иншоотлар мавжуд эмаслиги, Сўх туманида эса ўрганиш ишлари хали ўтказилмагани маълум бўлди.

Жорий йилнинг декабрь ойида Бешариқ, Қува ва Бойдоқ туманларида қўшимча ўрганишлар ўтказилиб, вилоят ҳудуди тўлиқ қамраб олинishi режалаштирилган.

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ҲАМКОРЛИК КУЧАЙТИРИЛДИ

Маҳаллаларда аҳоли ўртасида ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, тармоқларга ноқонуний уланишларнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилди. ОАВ, маҳалалар ва бюджет ташкилотларида ўтказилган тарғибот тадбирлари режага нисбатан 100 фоиз бажарилди.

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилаётган ушбу ишлар аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда қонун устуворлигини асрашга хизмат қилмоқда.

Инспекция томонидан бу борадаги ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилади.

Сирдарёликлар қишни қандай ўтказмоқда?

Беҳзод АҲМАДКУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг “Қўп квартиралли уйларни бошқариш тўғрисида”ги Қонуни ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасига доир қабул қилинган қарорлар асосида қўп квартиралли уйларни бошқариш соҳасида бир қатор мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳўш, бу йилги қиш мавсумини сирдарёликлар қандай ўтказади? Хусусан, бугунги кунда Гулистон шаҳридаги қўп квартиралли уйларга 11 та бошқарув ташкилоти ҳамда 1 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларда 96 нафар ишчи-ҳодим фаолият олиб боради. Ҳар бир бошқарув ташкилотидида 24 соат мобайнида фаолият юритадиган тезкор авария-диспетчерлик хизмати ташкил этилган бўлиб, барча керакли асбоб-ускуналар тўпламлари ва техникалари мавжуд. Гулистон шаҳридаги қўп квартиралли уйларни 2025/2026 йиллар куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур Дастурга мувофиқ, бошқа-

рув ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан шаҳардаги жами 63 та қўп квартиралли уйни таъмирлаш бўйича манзилли рўйхат шакллантирилган. Ушбу қўп қаватли уйларда жами 1024,0 миллион сўм миқдоридидаги таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган эди.

Дастур ижросини таъминлаш мақсадида ҳозирги кунга қадар 63 та уйда таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Жумладан, 4 та том, 114 та кириш йўлига таъмирдан чиқарилиб, 20 та кодли қулфли темир эшик ўрнатилди, 16 та электр тақсимловчи шит таъмирланди. 22 та ертўланинг муҳандислик тармоқлари таъмирланиб, 11 та уйнинг фасад қисми таъмирдан чиқарилди ва уйнинг кириш



йўлакларига 70 та энергия тежовчи сенсорли лампалар ўрнатилди. Мазкур таъмирлаш ишлари Бошқарув ташкилотларининг маблағлари ҳисобига амалга оширилди.

Шунингдек, қўп квартиралли уйларни бошқариш ташкилотларининг маб-

лағлари ҳисобидан 2025/2026 йиллар куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлаш бўйича тасдиқланган дастурдан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 6 мартдаги ПҚ-93-сонли қарорига асосан, Гулистон шаҳридаги 122 та қўп квартиралли уй-



нинг фасад қисмини энергияни сақловчи базальт материали билан қоплаш ишлари амалга оширилмоқда. Бугунги кунда режадаги 96574 м² фасад қисмдан амалда 88274 м² қисми базальт материали билан қопланди. Шу билан бирга, 64 та қўп қаватли уйнинг том қисмида

мукамал таъмирлаш ишлари олиб бориляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-465-сонли қарорига асосан, Гулистон шаҳар “Бўстон” МФЙдаги 52 та қўп қаватли уйдаги 2 409 та хонадонни иссиқлик билан таъминлаш учун РК-1 ва РК-2 янги маркадаги қозонхоналарнинг қурилиши ва 2,8 километр иссиқлик тармоқларини тортиш ишлари якунига етказилиб, фойдаланишга топширилган.

Қўп қаватли уйларни 2025-2026 йиллар куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлаш мақсадида белгиланган дастурлар ва режаларнинг тўлиқ ҳамда ўз муддатида бажарилиши, қўп қаватли уйларни ишончли иссиқлик билан таъминлаш борасида белгиланган вазифаларнинг ижроси вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг Гулистон шаҳар бўлими томонидан қатъий назоратга олинган. Қолаверса, бу борадаги ишлар тегишли идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда бугунги кунда ҳам самарали ташкил этилмоқда.

ИЛМ ВА ҲАЁТ ЧОРРАҲАСИ

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Баъзан инсон тақдири бир лаҳзалик воқеа билан белгиланади. Баъзан эса ўша воқеа умр бўйи танланган йўлга айланади. Инсон ҳаётида танланган касб унинг тақдирини белгилайди, дейишади. Айрим шахслар борки, улар танлаган йўл жамият ҳаёти билан узвий боғланиб, бутун бир авлоднинг шаклланишига хизмат қилади. Ана шундай фидойи олим ва педагоглардан бири, Тошкент архитектура-қурилиш университети Бино ва иншоотлар қурилиши қурилиши кафедраси профессори – Саид Маҳмудовдир.



Профессор ҳаётида бундай бурилиш 1966 йилда, Тошкент заминини ларзага солган кучли зилзила билан боғлиқ бўлди. Ўша пайтда у оддий талаба эди. Аммо титраган бинолар ва одамлар нигоҳидаги хавотир ёш йигит калбда бир савол уйғотди: инсон ҳаёти ишониб топширилган бинолар қанчалик мустаҳкам?

1947 йилнинг 3 февралда Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида туғилган Саид Маҳмудов 1963 йилда Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетида қадам қўйди. У талабалик йилларидаёқ ўз тенгқурларидан илм олишга бўлган чанқоқлиги билан ажралиб турди. 1968 йилда саноат ва фуқаро бинолари қурилиши мутахассислиги бўйича аъло баҳолар билан институтни битирган ёш мутахассис илм-фан йўлидан чекинмади. Талабалик йиллари қаҳрамонимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа билан ёдда қолган. 1966 йилда Тошкентда содир бўлган кучли зилзила Саид Маҳмудовнинг нафақат гувоҳ, балки илмий тадқиқотчига айланишида бурилиш нуктаси бўлди.

У мазкур табиий офат оқибатларини чуқур ўрганиб, биноларнинг зилзилабардошлигини ошириш масалаларига қизика бошлади. Айнан шу даврдан бошлаб унинг илмий йўли аниқ шаклланди. Зилзила унинг хотирасида даҳшат эмас, балки масъулиятга айланган эди. Шу боис, у олийгоҳни тугатиши би-

ланоқ раҳбарият тавсияси билан ассистент-ўқитувчи сифатида ишга қабул қилинди. Бир йиллик ҳарбий хизмат ҳам уни танлаган йўлдан қайтара олмади. Аксинча, қатъиятини янада мустаҳкамлади ва илмий изланиш йўлини давом эттирди. Бу эса, унинг педагогик фаолиятига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди. Йиллар давомида у катта ўқитувчи, техника фанлари номзоди, доцент, кейинчалик эса профессор илмий ўнвонларига сазовор бўлади. Фаолияти давомида ўқитувчилик билан бирга, декан ўринбосари, кафедра мудир каби масъул лавозимларда ҳам самарали фаолият юритди.

ШОГИРДЛАР – УСТОЗ МЕҲНАТИНИНГ САМАРАСИДИР

Бутун у учун энг катта ютуқ бино ёки лойиҳа эмас, балки шогирдлардир. Зилзилабардош ва мустаҳкам иншоотлар масаласида у 70 нафар магистр, 15 нафар докторантни илм сари етакламоқда. Уларнинг ҳар бири устозидан нафақат билим, балки масъулиятни ҳам ўрганяпти.

– Устоз Саид Маҳмудов билан етти йилдан буён илмий иш олиб борамиз, – деди унинг шогирди Ташкент архитектура-қурилиш университети доценти Шаҳноза Самиева. – Шу кунга қадар

биргаликда дарслиklar, нуфузли илмий журналларда мақолалар, муаллифлик гувоҳномалари нашр этдик. Устоз бугунги кунга қадар барча шогирдларига сейсмик соҳадаги билимларни бериб, ютуқларга эришишида ёрдамини аямай келяпти. Барча илмий ишларимизда устознинг маслаҳатлари билан яхши натижага эришяпмиз. Ҳозир ҳам у киши қўллаб докторант ва магистрларга илмий раҳбар сифатида ўз билим ва маслаҳатларини бериб келмоқда.

Шунингдек, малакали профессор метро иншоотлари ва замонавий биноларда сейсмик изоляция технологияларини қўллаш бўйича грант лойиҳалар тайёрлаш жараёнида ҳам бевосита иштирок этиб келмоқда. Бу ишлар нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан ҳам юртимиз қурилиш соҳаси учун муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, у кишининг “Заминнинг турли жинслигини ҳисобга олган ҳолда чизикли деформацияланадиган заминда рама тизимларини ҳисоблаш” мавзусидаги илмий иш натижалари бўйича яратилган лойиҳаси метрополитеннинг Ойбек ва Ҳамид Олимжон бекатларида татбиқ этилган.

– Бизнинг вазифамиз – билимли ва иқтидорли ёшларни илмга олиб кириш, уларнинг изланишларига амалий таянч бўлиш, – деди профессор суҳбатимиз давомида. – Бунинг учун университетимиз қошида илмий тадқиқот институтининг очилиши талабаларга катта имконият бўлди. Энди улар бу имкониятдан самарали фойдаланиб, янада кенгроқ изланиши, билим олиши ва янгидан янги лойиҳаларни амалга ошириши лозим.

ИЛМИЙ МЕРОС ВА ХАЛҚАРО ТАҲРИБА

Саид Маҳмудов соҳага доир дарслиklar, ўқув қўлланмалари ва монографиялар муаллифи сифатида ҳам танланган. Унинг илмий салоҳияти сермахсул наشرлар фаолиятида яқол намоён бўлади. Олим томонидан 2 та монография, 6 та дарслик, 15 та ўқув ва услубий қўлланма яратилган бўлиб, улар қурилиш соҳаси мутахассислари ҳамда талабалар учун муҳим илмий-амалий манба ҳисобланади. Жумладан, Биноларнинг энергия самарадорлиги,



Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги, Грунтлар механикаси замин пойдеворлари сингари дарслиklar, Қурилиш физикаси ўқув қўлланмаси, Қурилиш конструкцияларини ҳисоблаш бўйича методлар монографияси соҳага янги кираётган талабалар учун бевосита таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, у илмий журналлар, республика илмий анжуманлари тўпламлари, халқаро анжуманлар тўпламларида жами 120 та илмий мақола эълон қилган. Бу эса, унинг илмий билимларини кенг жамоатчиликка етказиш, қурилиш маданияти ва муҳандислик тафаккурини омалаштиришга қаратилган фаол фуқаролик позициясини намоён этади. Унинг илмий ишлари қурилиш муҳандислари ва талабалар учун муҳим манба вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари, бутунги кунда Саид Маҳмудов бир қатор халқаро конференцияларда эксперт сифатида қатнашиб, илмий тажрибалар алмашмоқда. Қозғистон, Туркия, Россия ва бошқа хорижий давлатларда малака ошириб, чет эл тажрибасини миллий таълим тизимига татбиқ этмоқда.

– Ҳар бир талаба қурилиш соҳасини танладими, аввало, мустақил фикрга эга бўлиши керак, – деди суҳбатдошимиз. – Ҳар бир сониясини қадрлаб, вақтини режалаштириш ва билим олишга интилиши зарур. Ўз касбининг етук мутахассиси бўлиши шарт. Бу касб бепарволикни кечирмайди.

ДАВЛАТ ЭЪТИРОФИ ВА МУКОФОТЛАР

С. Маҳмудовнинг кўп йиллик самарали меҳнати, илмий-педагогик фаолияти ва қурилиш соҳасини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси давлатимиз томонидан юксак баҳоланган. Жумладан, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг

ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 11 мартдаги ПК-92-сон қарори асосида тасдиқланган 1 даражали “Меҳнат фахрийси” кўрак нишони билан тақдирланган.

Шунингдек, 2025 йил октябрь ойида қурилиш ва сейсмик хавфсизлик соҳасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, илмий-тадқиқотлари ҳамда малакали мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари учун “Сейсмик хавфсизлик аълочиси” кўрак нишонига сазовор бўлган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг қўллаб-қувватлаш бўлими билан ҳам тақдирланган.

ОТ ИЗЕНИ ТОЙ БОСАР...

Халқимизда “От изини той босар” деган доно нақл бор. Бу ҳикмат Саид Маҳмудов ҳаётида яна бир бор ўз исботини топган. Бугунги кунда унинг уч ўғли ва бир қизи ҳам отаси изидан бориб, қурилиш соҳасида самарали фаолият юритаётгани илмга бўлган муҳаббат, касбга бўлган садоқат авлоддан-авлодга ўтаётганининг ёрқин далилидир. Бу эса, устознинг нафақат илмда, балки ҳаётда ҳам ўз мактабини яратганини англатади.

Саид Маҳмудов ҳаёти шуни кўрсатадики, буюк тақдирлар тасодифий воқеалардан эмас, балки ўша воқеаларга берилган масъулиятли жавобдан бошланади. У танлаган йўл нафақат мустаҳкам ва зилзилабардош иншоотлар, балки етук мутахассислар, масъулиятли шогирдлар ва илмий мактаб яратишга ҳам хизмат қилди. Бугун устознинг илмий мероси, шогирдлари ва давомчилари унинг ҳаёт йўли тўғри танланганини тасдиқлайди. Бу ҳаёт ҳикояси ёш авлод учун сабоқ, илм йўлини танлаганлар учун эса избрат мактабидир.

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил 19-22 декабрь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Қўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси (Жиззах вилояти бўйича) **Элмурод Каримов**, Шаҳарсозликда имконияти чекланган шахслар манфаатлари таъминланишини мувофиқлаштириш, энергия самарадорлик ва экологик дипломатия бўлими бошлиғи ўринбосари **Сардор Эламонов**,

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Аxbopот телекоммуникация технологияларини жорий этиш бўлими бошлиғи **Ражаб Қодиров**,

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Ийғма эксперт хулосалар тайёрлаш бўйича бош мутахассиси **Бехзод Муротов**,

“Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlash chiqish Respublika markazi” ДМ Манзилли рўйхатларни шакллантириш, танловларни ташкил этиш, молия ва муносабатлар бўлими бош мутахассиси **Ахматдхон Ҳамидов**, бухгалтерия бош мутахассиси **Шухрат Асатуллаев**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти етакчи мутахассиси **Мохиббону Адашова**,

“Қишлоққурилишлойиҳа” ДМ бош лойиҳа қидирув институти бош муҳандис ўринбосари **Набижон Назаров**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДМ бош мутахассиси **Ғалина Хмельёва**,

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ МТ сектор бошлиғи **Лариса Ступникова**, ООРТР муҳандиси **Зайнаб Холмуродова**,

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош архитектори **Еркинбай Мнажов**, Қораўзақ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош архитектори **Орынбасар Зарлықов**,

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Архитектура ва ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси бошлиғи **Давронбек Саидқулов**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бошлиғи **Фируз Мухиддинов**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Азиз Сатторов**, етакчи мутахассис **Акрамжон Мардиев**,

“Иссиқлик манбаи” ДУК Бухоро вилояти филиали бошлиғи **Баҳодир Раҳимов**,

Жиззах вилояти Бахмал туманидаги “O’smat-Shaffof-Kommunal” БСК МЧЖ бош директори **Махмуд Абидов**, Зарбдор туманидаги “Kuhinur siti SSS” БСК МЧЖ бош директори **Соҳибназар Шодмонқулов**, Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги “Bunyodkor-Turag-Joy-Majmuasi” уй-жой мулкдорлари ширкати бош директори **Бегзод Юсупов**, Яккасарой туманидаги “Jaquduq-kommunal-servis” уй-жой мулкдорлари ширкати бош директори **Зиёвуддин Ҳайитматов**ларни таваллуд қуни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



ЎТМОИY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов, (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожидин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Мағрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусакхх	Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзТАШҚИЛИТИ” МЧЖ, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (кабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУҲБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва аxbopот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга опинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 1241.
1748 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг типографик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Хўжаева.
Навбатчи – А. Ҳақбердиев.

ЎЗА якуни – 20.50.
Тошпирилад – 23.00.